

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ  
(6-7-синфлар мисолида)**

**Ганиев Темирбай Султанбаевич**

**доцент**

Қорақалпоғистон Республикаси Педагогларни янги методикаларга  
үргатиш миллий маркази

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлилига қарашли  
барча таълим муассасаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги  
Қонуни ва бошқа да қонуности ҳужжатлари асосида ташкил этилади ва  
ушбу даргоҳларда эртанги келажагимиз эгалари таҳсил олади. Шундай  
экан, келажагимиз бўлган, вояга ётиб келаётган ёш авлодни ҳар  
томонлома маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук инсонлар қилиб  
тарбиялаш ҳақида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Таълим ва тарбия,  
илем-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва саънаат, спортни  
ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга  
бўлиши, чет тилларни ва замановий информацион-коммуникацион  
технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доима асосий  
вазифамиз бўлиб қолади” деб таъкидлаб ўтган эди[1].

Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия жараёнига таълимнинг  
инновацион шакллари ва усуllibарини жорий этиш масалалари «2017-  
2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини яна да бўйича Ҳаракатлар  
стратегияси» давлат дастурида [2], Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг халқ таълими тизимини ислоҳ килиш ва  
ривожлантиришга қаратилган бир қатор Фармонларида ўз аксини  
топган [3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 6 апрельдаги 187 сон қарори билан тасдиқланган «Умумий  
ўрта, ўрта маҳсус таълимнинг давлат таълим стандартининг мақсади,  
вазифалари ва асосий принципларида ҳам Ўзбекистон  
Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни  
тизимили ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, таълим  
сифатини янги босқичга кўтариш, таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг  
инновацион шакллари ва усуllibарини жорий этиш энг муҳим  
вазифалардан бири қилиб белгиланган [4].

Ўқувчилар онгида тарихий билимларни шакллантиришда бугунги куни таълим тизимиға кенг жорий қилинган ўқитишининг интерфаол методларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга [5. 160-161]. Бунга асосий сабаб, тарих дарсларида қўлланилаётган методлар ўқувчиларнинг ўтилган мавзуларни осон ўзлаширишига, тарихий воқёаларга мустақил тарзда ўз мунасабатларини билдиришга, воқёалар кетма-кетлигини мантиқий кетма-кетликда тушунишга ва эслаб қолишга, синхрон тарзда даврлар, ҳудудлар, давлатлардаги бўлиб ўтган тарихий воқёаларни таққослаб, чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

VI синфдан бошлаб Тарих фани асосий предмет сифатида ўқитилади. Ушбу ёш давридаги ўқувчиларга мавзу мазмунига мос, оддий, лекин, яхши самара берадиган методларни танлаш ва қўлланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Тарихий алифбо** машқи ўқувчиларнинг тарихий атамалар, иборалар, макон жайлар, тарихий шахсларнинг исмларини эслаб қолиши, яъни хотирасини мустаҳкамлашга, тез ўйлаш, фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ушбу машқ бир боб ёки бўлимни мустаҳкамлашда қўлланилса яхши самара беради. Машқни амалга ошириш учун ўтилган мавзулардан қандай да бир тарихий атама ёки тарихий шахснинг исми синф таҳтасига вертикаль ҳолатда ёзилади. **Масалан: Тумарис.** Ўқувчилар белгиланган вақт ичида берилган топшириқ бўйича бош ҳарфлар билан бошланувчи тарихий макан жойлар, иборалар, тарихий шахсларнинг исмларини ёзади. Қайси ўқувчи ёки груп қўпроқ маълумот тўпласа ғолиб ҳисобланади. Кам маълумот тўплаган ўқувчилар ўз дафтарларига бошқа ўқувчилар ёки груплар айтган маълумотларни ёзиб олади. Ушбу машқнинг афзаллик томони, ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини кучайтиради, хотирасини мустаҳкамлайди, синфда юқори кайфиётни фойда этади, энг асосийси, давлат таълим стандартида белгиланган таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга, миллий стандарт даражасининг бажаралишига ўзининг ижобий таъсирин кўрсатади.

**Чайнворд методи** – ўқувчиларнинг ўтилган мавзулар бўйича эгаллаган билимларини амалиётда мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ушбу методни амалга ошириш учун ўқитувчи томонидан мавзу мазмунидан келиб чиқиб саволлар тайёрланади ва жадвал асосида ўқувчиларга топшириқ этиб берилади. Жадвалда саволлар охирида жавоблар қовус ичида рақамлар билан берилади. **Масалан:** Келиб чиқиши Фракиялик бўлган юнон файласуфи ? (8) Ушбу методнинг

афзаллиги, биринчидан, дарсда фанлар ора интеграцияни таъминлайди, яъни ўқувчи тўғри ва хатосиз ёзишга ўрганади, иккинчидан, ўқувчилар ўрганган билимларини мустаҳкамлайди, эслаб қолиш қобилиятларини ривожланади, учинчидан, ўқитувчидан ортиқча ресурс талаб этилмайди, синф тахтасидан фойдаланиш имкониятини яратади, тўртинчидан, ўқитувчига қисқа вақт ичидаги кўпроқ ўқувчини баҳолаш имкониятини яратади.

Тарих дарсларида тарихий саналар ва воқёалар билан ишлаш, уларни эслаб қолишда “Хронологик бошқотирма” методидан фойдаланиш яхши самара беради. [6. 5-бет]. Ушбу метод қўйидагича амалга оширилади. Бунинг учун синф тахтасига квадрат шаклида жадвал чизилади.

1

A			
B			
C			
D			

Ўқувчиларга саволлар ёзилган ва олдин-ола тайёрланган тарқатма материаллар тарқатилади ёки дафтарларига ёзил олишлари учун саволлар ўқув эшилтирилади. Саволлар битта мавзудан ёки ўтилган мавзулардан Жаҳон ва Ўзбекистон тарихидан тузилиши мумкин. Тақдим этилаётган саволлардаги тарихий саналар янги мавзудаги тарихий саналаргача олингани мақул ҳисобланади.

Методни амалга оширишда жадвалнинг ўнг томонининг юқори бурчагида бугунги ўтилган янги мавзудаги асосий тарихий санага алоҳида эътибор қаратилади ва ўқувчилар берилган савол асосида тарихий санани вертикаль ҳолатда жадвалга ёзади. Қолган саволларнинг жавоблари горизанталь ҳолатда жадвалга туширилиб, янги мавзудаги тарихий сана билан боғланади.

Ушбу методни иккинчи усуlda фойдаланишимиз мумкин. Бунда ўқувчиларга хронологик бошқотирма шаклида жадвал асосида тарихий саналар берилади. Ўқувчилар ушбу саналарда бўлиб ўтган тарихий воқёаларни топиши керак бўлади.

Методнинг афзаллиги, ўқувчилар тарихий саналар, уларда бўлиб ўтган тарихий воқёаларни эслаб қолади ва тарихий билимларини мустаҳкамлайди, хотирасини ривожлантиради, ўқитувчидан ортиқча ресурс талаб қилинмайди, ўқувчиларда дарслик билан ишлаш кўнижмаси шаклланади.

Шундай экан, ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш, ўни қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга кучайиб бормақда. Бунинг асосий сабабларидан бири, ушбу вақтга қадар дастурий таълимда ўқувчига тайёр билимлар бериб келинган бўлса, эндиликда замонавий технологияларни қўллаш орқали ўқувчиларни ўзлари билимларни излаб топиш, мустақил ўрганиш, таҳлил қилишга, ҳаттоқи хулосаларни ўзлари чиқаришга ўргатади. Ушбу жараёнда ўқитувчи фақат бошқарувчи, назорат қилувчи вазифасини бажаради, ўқувчи эса дарс жараёнининг асосий иштирокчисига айланади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, ўқувчиларда тарихий билимларни шакллантиришда интерфаол методлар яхши самара беради. Лекин, уларни ўқувчилар ёши ва мавзу мазмунига мос ҳолда тўғри танлаш ҳамда қўлланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса, ўқитувчидан юқори касбий маҳорат, тажриба, билим, кўникма талаб этилади.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараккиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2017
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини яна да ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-4947 сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” № ПФ-5712 Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта, ўрта маҳсус таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187 сон Қарори (2017 йил 6 апрель)
5. Тошпўлатов, Я.Ғаффоров, Тарих ўқитиши методикаси. (дарслик) Т-2010. Турон-Иқбол 326 б
6. Жуманиёзова М. Тарих дарсларида интерфаол методлардан фойдаланиш (методик қўлланма) Т. 2005 16 бет